

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
№ 74-14 “ 5 ” май 2020 й.
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси ўринбосари
Б.Э. Захидов



“ИПОТЕКА-БАНК”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ
УСТАВИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

2020 йил “24” март да
ўтказилган “Ипотека-банк” АТИБ
акциядорларининг навбатдаги
умумий йиғилишида
ТАСДИҚЛАНГАН
(2020 йил “2” апрел да
тузилган 32 - сонли баён)

“Ипотека-банк” АТИБ
Қузатув кенгаши Раиси
_____ Б.А. Хўжаев



ТОШКЕНТ – 2020 йил

“Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиш ва қўшимчалар

1. 3.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

3.3. Банк ўз фаолиятида қуйидаги операцияларни амалга оширади:

- 1) пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
- 2) тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- 3) жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- 4) кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- 5) чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- 6) жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- 7) инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
- 8) учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
- 9) учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);
- 10) қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;
- 11) аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;
- 12) қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;
- 13) ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
- 14) ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;
- 15) лизинг бериш;
- 16) қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;
- 17) молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- 18) активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;
- 19) электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
- 20) банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

2. 3.3-банддан кейин янги 3.3¹, 3.3², 3.3³, 3.3⁴, 3.3⁵ ва 3.3⁶-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

3.3¹. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

1) банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган усқунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

2) ўз активларини сотишга;

3) чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

4) суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

5) банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкый ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

3.3². Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

1) кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

2) молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

3) қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

4) банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

5) фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

6) банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

7) фонд ва валюта биржалари;

8) кредит бюrolари;

9) қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Ушбу бандга мувофиқ Банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталларидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталнинг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталларидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3.3³. Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталларидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталнинг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

3.3⁴. Агар Банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталларидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу уставнинг 3.3² ва 3.3³-бандларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт.

3.3⁵. Банкка Банк устав капиталнинг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталларида) иштирок этиш тақиқланади.

3.3⁶. Ушбу уставнинг 3.3¹-3.3⁵-бандлари талаблари банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сакловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка

тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга ошириладиганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. 4.2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4.2. Банкнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

1) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ амалга ошириш;

2) Банка топширилган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматликларнинг бутлигини таъминлаш, зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажариш;

3) банк барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш;

5) белгиланган тартибда статистик, молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини юритиш ва тақдим қилиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда шубҳали ва умидсиз деб таснифланган активлар бўйича уларнинг реал ҳолатини баҳолаш мақсадида захира жамғармалари ташкил этиш;

7) ўтказилаётган операцияларнинг ҳажми ва хусусиятига мос бўлган ишонччиликнинг юқори даражасини таъминловчи ички назоратни ташкил қилиш;

8) банк ички аудит хизматини ташкил этиш;

9) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

10) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

11) амалдаги қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа мажбуриятларни ҳам бажариш.

4. 5.3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.3. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

1) беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

2) йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

3) эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

5. 5.3-банддан кейин янги 5.3¹, 5.3², 5.3³, 5.3⁴, 5.3⁵ ва 5.3⁶-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

5.3¹. Банк бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк бошқа банкнинг устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

5.3². Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар

(иштирокчилар), охирги бенефициар мулкдорлар Банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

5.3³. Ушбу Уставнинг 5.3 ва 5.3¹-бандларида кўрсатилган банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз тузилган банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

5.3⁴. Банк акциялари ушбу Уставнинг 5.3 ва 5.3¹-бандларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

5.3⁵. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини ушбу Уставнинг 5.3-бандида кўрсатилган ҳажмда олганда Марказий банк рухсатномасини олиш талаб қилинади. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини олган кундан эътиборан Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинадиган кунга қадар акциялар эгасининг ҳуқуқлари тўхтатиб турилади.

5.3⁶. Акциядор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банк акцияларини олган кундан эътиборан олтмиш кун ичида Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун ариза тақдим этиши керак. Акциядор томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган банк акциялари олинган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа шахсга берилиши лозим.

6. 5.4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.4. Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

7. 5.4-банддан кейин янги 5.4¹-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:

5.4¹. Қуйидагилар Банк акцияларига эгалик қилишлари мумкин эмас:

1) Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охирги бенефициар мулкдорлар;

2) Қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охирги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар.

8. 5.6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

5.6. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

1) банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

2) қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;

3) банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

9. 5.6-банддан кейин янги 5.6¹-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:

5.6¹. Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

10. 9.20-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

9.20. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банк кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

1) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

2) ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

3) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

4) Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

11. 9.20-банддан кейин янги 9.20¹-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:

9.20¹. Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

1) Банк акциядорларга тўланадиган дивидендлар, шунингдек Банк кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини тўланадиган мукофотларнинг умумий суммаси Банк ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

2) жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

12. 11.1-банддан кейин янги 11.1¹, 11.1², 11.1³, 11.1⁴ ва 11.1⁵-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

11.1¹. Банк корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шарт.

11.1². Банк кенгашининг ва бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

11.1³. Банк Кенгашининг ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

11.1⁴. Марказий банк Банк Кенгашининг ва Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юбориши керак.

11.1⁵. Банк Бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши мумкин, бундан уларнинг бошқа банклар ва ташкилотларда ишга жойлашуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

13. 11.25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари бажарилмаган тақдирда кун тартибини белгилаш ҳуқуқи билан Марказий банк талаби асосида ўтказилади.

14. 11.47 -банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.47. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу уставнинг 11.25-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Банк Бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

10) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

11) Банкнинг ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

12) Банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

13) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

14) Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

15) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

16) Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

17) Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- 18) Банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 19) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 20) қонунда белгиланган ҳолларда Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш;
- 21) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 22) Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
- 23) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Банк уставига Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- 24) қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг майдонларида юзага келаётган нархлар конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 25) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошладиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 26) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 27) Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- 28) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
- 29) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;
- 30) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;
- 31) банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
- 32) банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;
- 33) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;
- 34) Банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;
- 35) Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;
- 36) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;
- 37) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

38) йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

39) банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

40) Банк Бошқаруви раисини ишга ёллаш тўғрисида Банк номидан меҳнат шартномаси тузиш;

41) Банк Бошқаруви фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

42) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

43) акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, барча акциядорларга маълумотларни ошкор этган тарзда, ҳомийлик (хайрия) ёки беғаразёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

44) тегишли масалалар бўйича Банк Кенгаши қошида қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

45) амалдаги қонунлар ҳамда мазкур уставга мувофиқ Банк Кенгаши ваколат доирасига киритилган бошқа масалалар.

15. 11.49 -банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.49. Банк Кенгаши тўққиз нафар аъзодан иборат бўлади. Улар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга (банк акциядорларининг келгуси навбатдаги умумий йиғилишига қадар) сайланадилар. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

16. 11.49-банддан кейин янги 11.49¹, 11.49² ва 11.49³-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

11.49¹. Банк кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.49². Банк кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахс бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кенгашидаги аъзолиги мустасно.

11.49³. Қуйидаги ҳолларда шахс Банк кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Банк кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

1) шахс икки ёки ундан ортиқ Банк кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

2) шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

17. 11.62 -банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.62. Банк бошқаруви аъзоларининг чекланган сони 7 (етти) киши бўлиб, Банк кенгаши томонидан сайланади (раисдан ташқари).

Банк бошқаруви аъзолари қоида тарикасида бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, юридик хизмат раҳбари ва бошқа муҳим аҳамиятга эга таркибий бўлинмалар раҳбарлари орасидан сайланади.

Банк бошқаруви аъзолари танлов ўтказиш орқали танлаб олиниши ва тайинланиши мумкин. Бунда, хорижий менежерлар ҳам бошқарув аъзоси сифатида тайинланиши мумкин.

18. 11.63 -банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

11.63. Банк бошқаруви ваколати доирасига қуйидагилар киради:

1) банкнинг кундалик фаолиятини ташкил қилади ва раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

2) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва/ёки Банк кенгашига тасдиқлаш (маъқуллаш) учун киритади;

3) Банкда қабул қилинган ҳар бир ривожланиш режаси бўйича белгиланган мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган сон ва сифат мезонларини ишлаб чиқади;

4) акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши кўриб чиқиши лозим бўлган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

5) банк хизматининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий қилади;

6) Банкда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди;

7) банк операцияларини ўтказиш, ички назоратнинг ҳисоботи, банклараро шартномалар тузилишини ва банк фаолиятининг бошқа асосий масалаларини ҳал қилади;

8) Банк кенгаши томонидан тасдиқданган ички сиёсатлар асосида актив ва пассив операциялар бўйича фоиз ставкаларини тезкор тартибга солади;

9) Банк фаолиятини таъминлаш мақсадида доимий ишловчи қўмиталар, комиссиялар ва бошқа ишчи гуруҳларни ташкил этиш, уларнинг ваколатларини белгилаб бериш (Банк бошқаруви раисининг буйруғи ёки фармойишига мувофиқ ташкил этиладиган вақтинчалик ёки алоҳида масалалар бўйича ташкил этиладиган комиссия ёки ишчи гуруҳ бундан мустасно);

10) Банкнинг ташкилий тузилмаси доирасида штатларни жорий қилиш (ёки бекор қилиш), янги таркибий бўлинмалар очиш (ёки тугатиш) юзасидан қарорлар қабул қилади;

11) Банк тизимида мини-банк ташкил қилиш (ёки тугатиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

12) кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва фойдаланиш масалаларини ҳал қилади;

13) банк мажбуриятларини бажарилишини таъминлайди, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг юритилишини амалга оширади;

14) ўз ваколати доирасида таркибий тузилмалар хақида низомларни ва банк фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларни қабул қилади;

15) қонун ҳужжатлари ва ушбу устав билан акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши ваколатига киритилган масалалардан ташқари банкнинг жорий фаолиятини тартибга солувчи барча масалаларни ҳал этади.

19. 11.63-банд банддан кейин янги 11.63¹-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:

11.63¹. Банк Бошқаруви:

1) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

2) банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

3) банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

4) банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва Банк кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

5) банк уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

20. 11.64-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.64. Банк бошқарувининг ташкилий тузилмаси акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида тасдиқланади.

21. 11.65 -банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.65. Банк Бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

22. 12.14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

12.14. Банкда Банк Кенгашига ҳисобдор бўлган Корпоратив маслаҳатчи хизмати ташкил этилади.

23. 12.15-банддан кейин янги 12.15¹-банд киритилсин ва у қуйидагича баён қилинсин:

12.15¹. Корпоратив маслаҳатчи Банкда корпоратив бошқарув амалиётларини илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, акциядорларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга ва Банкнинг барқарор ривожланишини таъминловчи бошқарув амалиётларини кенг жорий этишга кўмаклашади ҳамда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган низомда белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

24. 12.20-банддан кейин янги кичик бўлим, 12.21, 12.22, 12.23, 12.24, 12.25, 12.26 ва 12.27-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

Йирик битим тузиш

12.21. Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

12.22. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

12.23. Йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан, тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

12.24. Банк мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот жалб этилади.

12.25. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Банк кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Банк кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Банк кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилади.

12.26. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активлари миқдорининг эллик фоиздан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.27. Йирик битим Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Банк бошқаруви томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

25. 12.27-банддан кейин янги кичик бўлим, 12.28, 12.29, 12.30, 12.31, 12.32, 12.33, 12.34, 12.35, 12.36, 12.37, 12.38, 12.39, 12.40, 12.41, 12.42, 12.43, 12.44 ва 12.45-бандлар киритилсин ва улар қуйидагича баён қилинсин:

Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш

12.28. Қуйидагилар Банкнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- 1) Банкнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;
- 2) Банкнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;
- 3) Банк кенгаши ва Банк бошқаруви аъзоси, Банк бошқаруви раисининг ёхуд Банк бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;
- 4) Банк бошқа юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 5) Банкнинг шўъба хўжалик жамиятининг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;
- 6) Банк устав капиталининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айти бир шахс бошқа юридик шахс устав капиталининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 7) Банк кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айти бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари бошқа юридик шахс Банк кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) Банк бошқаруви раиси ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари бошқа юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда Банк кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс бошқа юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) Банк бошқаруви раиси ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда бошқа юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) Банк билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Ушбу банднинг 1, 2, 4, 6-кичик бандлари ишончли бошқарувчи ёки акциядорнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

12.29. Қуйидагилар Банкнинг аффилиланган шахси бўлган акциядор - жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Ушбу банднинг 1-кичик банди ишончли бошқарувчи ёки акциядорнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

12.30. Аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, аффилиланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Банк йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлади.

12.31. Банкнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот Банк бошқаруви ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади. Банк бошқаруви томонидан ўрганиш ёзма билдириш олинганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади. Аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни Банк бошқаруви ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг Банк фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши керак.

12.32. Банк бошқаруви Банк кенгашини аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

12.33. Банк кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши Банкка келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

12.34. Агар Банк кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

12.35. Банкнинг аффилиланган шахси Банкнинг кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

12.36. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган Банк кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда Банкнинг аффилиланган шахси билан активларининг қиймати Банк соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил

этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

12.37. Банк бошқаруви тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилиланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

12.38. Агар аффилиланган шахс билан тузилаётган битим айни бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига ушбу уставнинг йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

12.39. Банк кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида Банк томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

12.40. Аффилиланган шахс билан тузилган битим бўйича Банк акциядори мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарордан норози бўлган ёхуд акциядор қарор қабул қилинишида иштирок этмаган тақдирда низолашиши мумкин.

12.41. Банк акциядорнинг талабига кўра уч иш куни ичида акциядорга аффилиланган шахс билан тузилаётган битим ҳақида бошқарув раиси томонидан имзоланган тегишли ахборотни:

- 1) аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдиришининг;
- 2) битимни ўрганиш натижаси баённомасининг;
- 3) битимни маъқуллаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг;
- 4) тегишли шартноманинг, агар у тузилган бўлса, кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

12.42. Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга аффилиланган шахс билан тузилаётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

12.43. Аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Банкка зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, акциядор ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан бевосита ёхуд акциядор номидан даъвогар бўлиб чиқишга ҳақли бўлган ваколатли давлат органлари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли.

12.44. Банкнинг ўн фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида Банкка зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Банк суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

12.45. Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузишга доир ушбу уставнинг қоидалари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- 1) тузилишидан Банкнинг барча акциядорлари манфаатдор бўлган битимларга;
- 2) Банкнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун тузиладиган битимларга, агар қонун ҳужжатларига кўра реализация қилишнинг махсус тартиби белгиланадиган монопол маҳсулот, моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари битим предмети бўлса;
- 3) биржа ва кимошди савдолари орқали тузиладиган битимларга, агар Банкнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар битим предмети бўлса;

4) Банк томонидан жойлаштирилаётган қимматли қоғозларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда;

5) Банк жойлаштирилган акцияларни олганда;


6) Банкни қайта ташкил этишга доир тартиб-таомилларни амалга оширишда;

7) акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштиришда;

8) қимматли қоғозларни қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилишда;

9) Банк ва аффилиланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида Банк кенгашининг ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу бобда белгиланган тартибда олдиндан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

“Ипотека-банк” АТИБ
Бошқаруви Раиси



Ш. Атабаев